

## МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП!"

Марғилон шаҳрида ёшларни фаоллик ва ташаббускорликка чорловчи маънавий-маърифий тадбирлар кўтариинки кайфиятда ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан бугун ҳам 1-сектор ҳудудидаги "Милтиқсоз" маҳалла фуқаролар йиғинида "Маҳаллада дув-дув гап" шиори остида ҳуддуидаги уюшмаган ёшлар иштирокида кенг қамровли тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек ёшлар ўртасида маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг хуқуқий саводхонликни ошириш ҳамда маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган форум "Соғлом ҳаёт сари беш минг қадам" шиори остида соғломлаштириш тадбири билан бошланди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари шаҳардаги "Баркамол авлод болалар маркази" ҳудудида эрталабки бадантарбия машғулотларини бажардилар. Ҳарбийларнинг қурол-аслаҳалари кўргазмалари намойиши, айниқса жанговор чиқишилари ҳарбий хизматда бўлиш истагидаги ёшлар юрагида иштиёқ чўғини янада аллангалатиб юборди.

Тадбир дастури доирасида шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлари ўртасида "Маҳалламиз пахлавонлари" шиори остида спортнинг футбол, волейбол, шахмат-шашка, стол тениси турлари, шунингдек, тош кўтариш, арқон тортиш ўйинлари ва бошқа соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди.

Ёшларнинг китобга бўлган қизиқишиларини янада ошириш ҳамда уларда китобхонлик фазилатларини шакллантириш мақсадида шаҳардаги Рақамли технологиялар марказида "Заковат" интеллектуал ўйини ҳам ўтказилди. Ушбу билимлар беллашувида Милтиқсоз маҳалла фуқаролар йиғини уюшмаган ёшларидан таркиб топган 7 та жамоа ўзларининг турли соҳлалардаги билим ва маҳоратларини яна бир карра синовдан ўтказдилар.

Шаҳардаги Мусиқали мақом театрида тадбирнинг якуний гала-концерти намойиш этилди. Унда тадбир доирасида ўтказилган ўндан ортиқ танлов ғолиблари шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шаҳар Маданият марказининг хушвот санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ҳамда жозибали рақслар йиғилганларга кўнглига хушнудлик улашди.

2022-02-24 08:42:21